



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: БУНДАЙ ХАТАРЛИ ОФАТГА АСЛО БЕПАРВО ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, афсуски, бутун дунёда коронавирус пандемияси давом этмоқда. Қатор мамлакатларда касалликнинг иккинчи тўлиқни бошланаётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотмоқда.

Бугунги ҳолат шунини кўрсатмоқдаки, ушбу инфекцияга қарши курашда қандайдир "сеҳрли рецептлар" ҳали йўқ.

Жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги энг ийрик илмий марказлар, энг кучли олимлар бу офатга даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Ва бундай тадқиқотлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз.

Тиббиёт ва санитария-эпидемиология ходимларининг касб малакаси ва жасрати, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фидойилиги, шунингдек, карантин давриндаги қатъий интизом мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни нисбатан барқарор сақлаш имконини беришда.

Лекин бу хотиржамликка берилиш, масалага енгил-епки қараш учун асос бўлмастлиги керак. Чунки июль ойининг

биринчи ҳафтасида беморлар сони 2 минг 167 нафарга кўпайган. Шундан 1 минг 267 та (58%) ҳолат аҳоли орасида аниқланган.

Бу карантин давридаги энг юқори кўрсаткичдир. Афсуски, беморлар орасида ўлим сони ҳам ортиб бормоқда. Бу барчамизни жиддий ташвишга солиши шарт.

Биз мамлакатимизда коронавирус аниқланган кундан бошлаб қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамиз: бу жуда мураккаб синнов ва оғир кураш бўлади.

Бу курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга темир интизом билан, қатъият ва жипсликка иш қўришимизга боғлиқ.

Лекин, минг афсуски, аҳоли ўртасида кўпчилик мана шу талабларга тўла амал қилмапти.

Айниқса, тиббий ниқоб тақмаслик ёки уни номига тақиб, санитария-гигиена қоидаларини бузиш, ўзаро қўл бериб қўришиш, ижтимоий масофани сақламастик, заруратсиз оилавий тадбирларни ўтказиш ҳолатлари кун сайин кўпаймоқда.

Жойларда "яшил", "сарик" ва "қизил" ҳудуд тамойили тўлиқ ишламапти.

Биз бу борада аҳолини ўзгартириш учун, аввало, жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак.

Ўзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Республика комиссияси вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари билан бирга пандемияни жиловлash бўйича барча чораларни қўриши шарт.

Тегишли раҳбарлар ўзига бириктирилган ҳар бир вилоят кесимида аҳолининг белгиланган чекловларга қатъий амал қилиши ва карантин талаблари бажарилиши устидан, жойига чиққан ҳолда, назорат ўрнатсин.

Албатта, биз кўшни давлатларда маълум сабабларга кўра қўлиб кетган Ўзбекистон фуқароларини мамлакатимизга қайтариш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирларни кўраимиз.

Бироқ юртдошларимизга мурожаат қилиб, яна бир бор таъкидламоқчиман: бутун дунёда минг-минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётган бундай хатарли

офатга асло бепарво ва енгил қараб бўлмайд.

Касалликнинг бирор-бир кичик белгисини ўзингизда сездингизми, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Ўзингизча уйда даволанманг. Бу оғир оқибатларга олиб келиши ва ниҳоят, ўлим билан туғатиш мумкин.

Ўзингизча ва оила аъзоларингизча нисбатан бепарво ва бепарқ бўлманг!

Халқимиз, оиламиз ва фарзандларимиз саломатлиги ва ҳаёти биз учун энг улуғ бойлик экан, бу ўта муҳим масалада бепарқ бўлиб, карантин талабларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Буни ҳеч ким, аввало, барча раҳбар ва мутасаддилар ҳеч қачон унутмаслиги шарт.

Бугунги мураккаб вазиятда барчамиз "Ўз соғлигингни, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!" деган широрга амал қилиб яшашимиз шарт.

Айни вақтда ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак.

ЎзА

Ислоҳот

Ҳар бир иш, ҳар бир лойиҳа аҳоли фаровонлигини яхшилашга хизмат қиляпти



2016 йилнинг кузида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Арнасойда бўлиб, туман фаоллари билан учрашди. Самимий ва ошқора руҳда ўтган ўша тадбирда туман салоҳияти баландлиги, фойдаланилишини кутаётган ресурслари кўплиги ҳақида сўз борди. Ана шу имкониятлар ақл ва режа билан ишга солинса, ҳудуд иқтисодиёти ҳам, ташқи қиёфаси ҳам, алал-оқибат, одамлар турмуш тарзи ҳам тубдан ўзгариб кетиши ҳақида фикрлар билдирилди.

Давоми 3-бетда

Тадқиқот ва таҳлил

Иқтисодиёт истиқболи ижобий баҳоланди



Иқтисодий ўсишга эришмасдан туриб, аҳолининг ҳаёт даражасини оқалтириб бўлмайди. Айниқса, коронавирус пандемияси сабабли ўзага келган карантин даврида иқтисодий ўсишни таъминлаш ва қашшоқликни камайтиришда бизнес муҳитининг ривожланиши катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази мамлакатимиздаги ишбилармонлик иқлимининг баҳолаш учун 998 та корхона ўртасида сўровнома ўтказди. Сўров-

номада республикамизнинг барча ҳудудидан корхоналар қатнашди. Баҳолаш Германиянинг ИФО институти томонидан ишлаб чиқилган "Бизнес иқлими индекси" методологияси асосида амалга оширилган.

Давоми 2-бетда

ПАНДЕМИЯДАН КУЧЛИ БЎЛИБ ЧИҚИШНИНГ БИРДАН-БИР ЙЎЛИ — КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш, деди давлатимиз раҳбари.

Мураккаб шароитга қарамай, ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чоралар қўрилмоқда, лекин баъзи ҳудудларда бу борадаги ишлар қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Карантин талабларининг юмшатилиши натижасида корхоналар фаолияти тикланди. Бироқ 69 мингта тадбиркорнинг фаолиятини жонлантириш кераклиги, жойлардаги раҳбарлар 9 ой яқини бўйича уларнинг камида 70 фоизини, йил якунига қадар тўлиқ қувват билан ишлашига масъул ва жавобгарлиги белгиланди.

Мамлакат миқёсидаги республика даражасидаги мутасаддиларга ҳудудларга бориб тушуни камайган корхоналар билан тизимли ишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, тадбиркорлар карантин қоидаларига амал қилишда санитария ва ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан тушунарсиз ва бир-бирига зид талабларга дуч келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг мурожаатлари ва тақлифлари асосида жорий тартибларни қайта кўриб чиқиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тушунарли шаклда аҳолига етказиш топшириги берилди.

Ўтган йилда рўйхатдан ўтган тад-

биркорларнинг, яъни янги бизнес субъектларининг 23 мингтаси ёки 24 фоизга бугунги кунда фаолият кўрсатмапти. Масъул раҳбарлар улар билан мулоқот қилиши, тез фурсатларда уларни ишга тушириш чоралари кўрилиши белгиланди.

Бунда тадбиркорга кўпроқ шароит яратиб бериш, жумладан, электр, газ, сув таъминоти, йўл, кредит билан боғлиқ масалаларни ечиб бериш лозимлиги қайд этилди.

Фаолият бошлаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқиш топшириги берилди. Бунда тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектни рўйхатдан ўтказиш, асбоб-ускуна сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратиш назарда тутилди. Ушбу тизимнинг вертикал ижросини таъминлаш учун ҳозирда фақат республика даражасида фаолият юритаётган Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ишени тумангача тушириш лозимлиги қайд этилди.

Хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун энг қулай, кўп ва юқори даромадли иш жойлари ташкил этиш мумкин бўлган 31 та ўрта шаҳарларда инфра-тузилмани яхшилаш, ер ресурслари ва бино-иншоотлардан тўғри фойдаланиш, режалаштириш, бошқарув ва жамоат транспортини тўғри ташкил этиш аҳоли даромади ўсишига кескин туртки беради.

Ушбу шаҳарларни хизмат кўрсатиш марказларига айлантириш, бунинг учун шаҳар раҳбарларига тизим яратиш ва аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топшириги берилди.

Кейинги йилларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича аниқ чоралар кўрилиши натижасида бизнес ихтиёрида 2019 йилда 12 триллион сўм қолди, 2020 йилда яна 11 триллион сўм маблағ қилиши кутилмоқда. Энди янги вазифа, яъни "Солиқ идораси — тадбиркорга кўмакчи" тизимини йўлга қўйиш топшириги берилди.

Шунингдек, 1 июндан бошлаб илк маротаба тадбиркорларга қўшимча қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш механизми амалга киритилди. Ушбу янгилик орқали жорий йилнинг биргина учинчи чорагида тадбиркорларга 700 миллиард сўмни айланма маблағ сифатида ўзига қолдириш имконияти яратилмоқда.

Шу муносабат билан, мутасаддиларга ушбу янги тизим имкониятларини тадбиркорлар эътиборига етказиш ва ижросини барча ҳудудларда самарали ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Президент жойларда ҳалигача тадбиркорларга ер ва бино-иншоотлар ажратишда кўплаб тўсиқлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди. Буларни очик савдога, электрон аукционга чиқариш жараёнларини жонлантириш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак, телевидение ва ижтимоий

ЎзА

Долзарб мавзу

Одил судловни таъминлашга барчамиз масъулмиз



Абдуманноб РАХИМОВ,
юридик фанлар номзоди

Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамага бағишланган 30 июнь кунги видеоселектор йиғилишида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул бўлган айрим идора ва вазирликлар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар қаттиқ танқид қилинди.

Бундан кўпчилик хулоса қилдики, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш шахсан давлат бошлиғининг назоратидадир. Бу мавсумий тадбир эмас, балки давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.

Президентимиз таъкидладикки, парламент палаталари раҳбарлари, депутатлар ва сенаторлар иштирокида жойларда халқ билан ўтказилган очик мулоқотлар чоғида инсон ҳуқуқларининг бузилиши, бу соҳага масъул ходимлар томонидан адолатсизликларга йўл қўйилаётгани очик-ойдин айтилмоқда. Шу боис, бундан буён депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, одил судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб борилиши мақсада мувофиқ деб топилди. Демакки, одил судловни таъминлашга ҳамма бирдек масъул.

Давоми 2-бетда

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ — МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАИ ОЛИЯСИНинг ВОРИСИ



Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг 2020 йил 26 июнь куни ўтказилган VI чақириқ 10-сессияси Самарқанд давлат университетининг 600 йиллик юбилейини 2020 йил 21 сентябрь куни нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан мухбиримиз Самарқанд давлат университетининг ректори, сенатор Рустам ХОЛМУРОДОВ билан суҳбатда бўлди.

Давоми 5-бетда

Матбуот анжумани



КАРАНТИН талаблари кучайтирилди

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида мамлакатимизга коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг ахбороти юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

17:30 ҳолатига кўра, Ўзбекистонда коронавирусдан зарарланиш билан боғлиқ ҳолатлар сони 10 892 тага етди. Шу вақтгача беморларнинг 6890 нафари касалликдан тузалди.

Карантин даврида 3 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл карантинга олинди ва уларнинг 208 нафарида коронавирус аниқланди. Бугунги кунгача карантинга олинган 18 ёшгача бўлган 45 мингдан ортиқ бола орасидан 328 нафарида коронавирус инфекцияси борлиги маълум бўлди.

Қайд этилганидек, юртимизда жорий йилнинг 15 мартда биринчи бемор аниқланди ва 16 мартдан кескин карантин чоралари эълон қилинганди. Шу вақт ичида комиссия томонидан мамлакатимизга коронавируснинг кириб келиши ва тарқалиши олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Халқаро тажриба изчил ўрганилиб, керакли микдорда дори-дармон, даволаниш ўринлари, карантинда сақлаш жойлари тайёрланди. Жойларда карантин шартлари қўрилди. Юртимизда мазкур касалликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан алоҳида эътироф этилиб келинмоқда.

Айни пайтгача хориждаги ватандошларимизни чартер рейслар орқали юртимизга олиб келиш ишлари давом эттирилмоқда. Мазкур касаллик, асосан, чет элдан қайтган, карантинга олинган фуқаролар ичида аниқланмоқда. Лекин карантин талаблари юмшатилиши муносабати билан аҳоли орасида ҳам бепарволик, карантин талабларига риоя қилмаслик оқибатида касалланганлар сони ортади.

Комиссия қарорига кўра, 10 июлдан 1 августгача Ўзбекистонда автомобиль ҳаракати чекланади, вилоятлараро автотранспорт қатновлари, буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шуғулланувчи йирик

дўконлар фаолияти тўхтатилади, оилавий тўй ҳамда томоша, маданий-кўнгилочар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш тақиқланди.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қўнчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқарилади, қолган қисмининг меҳнат фаолияти максимал даражада масофадан туриб (онлайн ёки дистанцион тарзда) ташкил этилади, турли даражадаги йиғилишлар ўтказиш тақиқланди, зарур ҳолларда йиғилишларни видеоқонференцалоқа режимида ўтказиш белгиланади. 65 ёшдан ошган шахсларнинг жамоат жойларида, шунингдек, аҳолининг кўчаларда ва майдонларда уч кишидан ортиқ бўлиб ҳаракатланиши чекланди.

Махсус комиссия халқаро авиакатновлар ва юк ташувлар билан боғлиқ янги тартибларни белгилади. Унга кўра, халқаро авиакатновлар хорижий давлатлардаги эпидемиологик вазиятни таҳлил қилган ҳолда икки баравар қисқартирилади. Халқаро юк ташувларни амалга оширадиган автотранспорт воситалари ҳайдовчилари мажбурий тартибда коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича тест топширади.

Ўзбекистонда 10 июлдан бошлаб жорий этиладиган кучайтирилган карантин даврида Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи, бироқ Тошкент шаҳрида меҳнат қилувчи ишчи-ходимларнинг пойтахтга кириб-чиқиши ҳам руҳсат берилмайд.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кўрилаётган барча чора-тадбирлар, аввало, мазкур касалликни тезроқ бартараф этиш, аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган.

Тадбирда журналистларнинг мавзу юзасидан берилган саволларига мутасаддилардан атрафлича жавоб олинди.

Долзарб мавзу



Одил судловни таъминлашга барчамиз масъулмиз

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари йиғилишда адвокатура институтига тўхталар экан, уни одил судловнинг ажралмас қисми, деб эътироф этди. Ўзбекистонда бугун 4 минг атрофида адвокат фаолият кўрсатаётгани ва 8,5 минг аҳолига ўртача бир мутахассис тўғри келиши, қолаверса, шуларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият юритиши соҳада амалга оширилиши зарур бўлган кўп ишлар борлигидан далолат беради.

Шу боис, адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан талаб этиладиган 2 йил юридик стаж мавжуд бўлиши ҳақидаги қоида бекор қилиниб, ундан кўра, талабалик даврдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий қилиш таклифи илгари сурилди.

Соҳанинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида юридик йўналишдаги олий ўқув юртрада “адвокатлик фаолияти” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш амалиёти жорий этиладиган бўлди. Бу чора-тадбирлар адвокатура институтининг ривожланишида ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Одил судловни таъминлашда бевосита иштирок этадиган соҳалардан яна бири тергов органларидир. Кўпчилик яхши билади, агар терговчи жиноят ишида шахс (айбланувчи)га нисбатан асосли айблов кўйса, кейинчалик бу иш судларда кўрилатганда турли расмиятчиликлар ва оворасида қўрилган қўриқ ва қўриқчиликнинг олдини олишга ҳизмат қилади. Агар бунинг акси бўлса, бу ҳолат одил судловга жиддий таъсир этади.

Қувонарли жиҳати, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида тергов органлари асосиз

айб қўйган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, 1 минг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган айбловлар асосиз деб топилган. Ўтган 2019 йилда 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар ундирилган берилган. Албатта, бу судлар томонидан адолатни тиклаш йўлида амалга оширилаётган муҳим ишлардир. Бироқ тергов органлари томонидан йўл қўйилган хатоликлар учун нафақат фуқаро, балки давлат бюджетига ҳам сезиларли зарар етказилган-ку. Бунинг ҳисобини ким юритади?

Шунинг учун келгусида судьялик лавозимини эгаллаш учун муайян иш стажига эга бўлиш, Судьялар олий мактабини ўқиш туғатиш каби талаблар қўйиш орқали танлов кучайтирилганининг ижобий томонлари эътиборга олинди, терговчиликка номзодларга ҳам шунга ўхшаш талаблар қўйилиши таклиф этилди. Бу ишларни самарали амалга ошириш учун бир қатор мутасадди идораларга топшириқлар берилиб, қисқа муддатларда Тергов институтини ташкил этиш, терговчилик касбини эгаллашга мутлақо янги талабларни ишлаб чиқиш, соҳага илгор тажриба ва халқаро стандартларни жорий этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда одил судловни таъминлаш учун биргина суд ҳокимиятининг фаолияти етарли бўлмайди. Қолаверса, одамларимизнинг адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек, “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак”, деган талабни бажариш мамлакатимизнинг бутун суд-ҳуқуқ тизимига бирдек тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалиги

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш — бугуннинг муҳим талаби

Илҳом АБРОРОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи

Она сайёрамизда аҳоли сони тобора ўсиб бораётган бугунги кунда истеъмол товарлари, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу дунёнинг барча мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини устувор вазифа қилиб қўймоқда. Қолаверса, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли ёғингарчилик, қургўқчилик ва бошқа табиий офатлар содир бўлиши кучайиб, қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммолар ечими эса жуда катта ислохотларни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, юртимизда аграр соҳадаги ислохотлар, жумладан, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш орқали даромад манбаига эга бўлишга жиддий эътибор қаратиш керак. Бу эса халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, юртимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг жорий йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди. Қарор иш-сиз аҳоли бандлигини таъминлашга ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу қарор билан фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сувлари захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишига

киришти, уларни қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартлар асосида ажратиб бериш жойларда ишсиз аҳоли бандлигини таъминлашга, кам таъминланган (камбағал) оилаларнинг даромад манбаига эга бўлишларига имконият яратилди.

Шу маънода айтганда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қўлай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига, кам таъминланган (камбағал) оилалар сонининг кескин камайишига сабаб бўлади.

Шу мақсадда Наманган вилоятининг Поп, Чўст, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Норин, Косонсой, Чортоқ туманларида фойдаланишдан чиқиб кетган қарийб 300 гектар ер майдонида 15 та қишлоқ хўжалиги бирлашмаси (кооператив) ташкил этилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,9 миллиард сўм субсидиялар ажратилиб, 750 нафар кам таъминланган (камбағал) оила кооперативга аъзо қилиниб, бандлиги таъминланди. Масалан, Чортоқ тумани “Баландадир” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига 350 гектар ерда экин экиш учун шароитлар яратилиб, иссиқхоналар қуриб бериш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда 500 та иссиқхона эгаларига топширилди ва 500 нафар кам таъминланган оила аъзолари бандлиги таъминланди.

Шунингдек, Поп тумани ҳокимлиги томонидан “Бирлашган”, “Ором” ва “Водий” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан экин экиш учун ер майдони ажратилиб, кам таъминланган (камбағал), яъни ёш ва ногирони бор 330 та оиллага иссиқхоналар қуриб берилади. Бу каби лойиҳаларни вилоятнинг барча туманларида амалга ошириш белгиланди.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш ва уни келажак авлод учун асраш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу борада олиб борилётган мақсадли ишлар эса аҳоли бандлигини таъминлашга ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган ерларни ўзлаштиришга ва ундан самарали фойдаланишга хизмат қилади.



Тадқиқот ва таҳлил

Иқтисодиёт истиқболи ижобий баҳоланди

Бошланиши 1-бетда

Қорхоналарни ўрганиш икки йўналишда ўтказилди: биринчиси, ишбилармонликнинг ҳозирги ҳолатини сифатли баҳолаш ва иккинчиси, тадбиркорларнинг кейинги икки-уч ой ичида ўз бизнесини ривожлантириш истиқболларига бўлган ишонч ва умид даражасини аниқлаш.

Натижада тадбиркорликнинг жорий ҳолати билан боғлиқ ишбилармонлик кайфияти ўртача даражада ижобий экани аниқланди. Кейинги икки-уч ой ичида бизнеснинг ривожланиш истиқболлари кўрсаткичи 74 пунктни ташкил этди (ўтган ойга нисбатан 44 пункт кўпайган), яъни тадбиркорларнинг кейинги икки-уч ойда ўз фаолиятининг

ривожланиш истиқболларига нисбатан ишончи юқори.

Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити ижобий баҳоланмоқда. Иқтисодий ривожланиш нуқтаи назардан, бизнеснинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари кўрсаткичи ўртасидаги боғлиқлик мамлакат иқтисодиёти яқин икки-уч ой ичида жадал тараққийлаётган бўлишидан кечиринчи аниқлади. Ишбилармонлик муҳити кўрсаткичларининг динамикаси ва ҳозирги ҳолати ўсиш суръатини башорат қилишга асос бўлади.

Ишбилармонлик муҳитини баҳолаш бизнеснинг ҳозирги ҳолати, кейинги икки-уч ойда уни ривожлантириш истиқболлари, тадбиркорлик муҳитининг жорий ва келгуси ҳолати ўртача кўрсаткичлари асосида ҳисобланади. Мавжуд ҳолат ва истиқболни кутиш ўртасидаги боғлиқлик асосида келгуси икки-уч ой учун мамлакатда иқтисодий даврийлик босқичларини аниқлаш мумкин.

Агар ҳозирги ҳолат ва кутилаётган ҳар иккала натижа ҳам салбий бўлса, кейинги икки-уч ой ичида мамлакат



иқтисодиёти таназзул ҳолатини бошдан кечиради. Ҳозирги ҳолатнинг кўрсаткичи салбий, кутиш натижаси ижо-

бий бўлса, иқтисодиёт кейинги икки-уч ой ичида тикланади ёки жонланади. Айни ҳолат ва кутилган натижаларнинг

иккаласи ҳам ижобий бўлса, кейинги икки-уч ой ичида иқтисодиёт жадал ривожланиши бошдан кечиради. Мамлакатимизда айни ҳолат ва кутилаётган натижа ижобийдир.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази яна бир қизиқарли тадқиқотда COVID-19 пандемияси Ўзбекистонда иқтисодиёти, фуқаролар ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қандай таъсир қилганини ўрганди. Жаҳон банки ва “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда ўтказилган таҳлил натижасида бандлик даражаси бироз ошган, яъни камида бир нафар ишлайдиган аъзоси бўлган уй хўжалиқларининг улуши 43 фоиздан 58 фоизга кўпайгани маълум бўлди. Олдинги ойда бу кўрсаткичда тушиш қайд этилган эди. Оиласида кимдир “ишидан айрилган ёки ишламай қолгани” ҳақида хабар берган респондентлар сони 19 фоиз ошган эди. Инқирозга қарши қабул қилинган кенг қўламли чоралар дастурининг амалга оширилиши натижасида ишидан айрилганлар сони 19 фоиздан 12 фоизга камайган.

Шунингдек, таҳлиллар натижасида камбағаллик даражаси ёмонлашиши мумкинлиги кўринган бўлса, озиқ-овқат истеъмоли яхшиланаётгани аниқланди. Маҳсулотлар танқислиги муаммоси ҳам бартараф этиб борилмоқда. Ушбу маҳсулотлар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари, нон ва ун мавжуд. Май ойида вазият сезиларли даражада яхшиланди, шунда озиқ-овқат етказиб беришда узилишлар камайди. Дори-дармон ва никоблар сотувга чиқарилмагани ҳақида хабар берганлар сони янада камайди.

Деярли барча респондентлар COVID-19 пандемиясининг оилалари учун юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий оқибатлардан хавотирда, аммо улар мамлакатнинг келажакдаги иқтисодий аҳволига ижобий қарайди.

Санобар ЖУМАНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қарор ва ижро



Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Инсон умрини йўлга қийлаймиз: узун-қиска, текис ёки ўнқир-чўнқир... Катталар умр йўлини узун ва раво бўлсин, деб дуо қилади. Одамзод борки, йўл сўзи унга доим ҳамроҳлик қилади...



ЯНГИ КҮН — ЯНГИ ИМКОНИЯТ ДЕГАНИ

Ҳа, бир йўл экан-ку, шунга шунчами, дерсиз. Лекин бунинг қандай бахт ва катта ютуқ эканини сизу биз тушуниб етишимиз қийин.

192 262 кв.км. майдонга эга ҳудуднинг асосий қисмида қизғиш-жигарранг қумлик ястаниб ётади. “Тупроққалъа, қайдасан?”, деб юрар экансиз, чўлнинг адоғи йўқдек туюла бошлайдисиз.

Янги туман ташкил этишнинг зарурати

Мақсуд туман Президентимизнинг 2020 йил 11 апрелдаги “Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан асос солинди.

бўйича ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва унинг 4 штат бирлигидан иборат котибияти Тупроққалъа туманида жойлашган “Саримой”, “Нукус”, “Ҳазорасп” ва “Тупроққалъа” маҳалла фуқаролар йиғинларини ўз ичига олувчи ҳудудга жойлаштирилди.

— Асосий сабаблардан бири шуки, ҳудуд ривожланишдан ортада қолаётганди. — дейди вилоят ҳокимининг Тупроққалъа ҳудуди бўйича биринчи ўринбосари Отабек Абдиримов.

Хуқуқий асосларини келтирдик. Энди оддий бир савол туғилади: Уша ҳудудда янги туман ташкил этишнинг қандай зарурати бор эди? Қандай омиллар тарихий обидани номи билан ҳудудни чегаралаб, унга давлат сибсати даражасида эътибор қаратишга туртки бўлди?

“Хорманг, ёшулли!”

Халқимизнинг гўзал қадриятлари бор. Кимдир уй кўтарса ёки таъмирлаш ишларини қилаётган бўлса, яъниларни, қўни-

қўшилари ҳолидан хабар олишга ошиқадди. Хоразмликлар ҳам шундай: “Хорманг, ёшулли”, деб тоғанини дастурхон қилиб, хашарга боради.

— Питнак шаҳридаги 65 та кўп қаватли (42 та 4 қаватли, 23 та 2 қаватли) уй-жойни, том қисмларини жорий ва мукамал таъмирлаш, фасад қисми, кириш йўлакларини ва ертўраларни тузатиш, болалар майдончаларини барпо этиш ва атрофини ободонлаштириш каби ишларни бажаришга “Агробанк” ва Халқ банкидан 7 348,6 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Туман марказида 42 та ташкилот бўлса, шундан 17 таси тўлиқ ўзининг бизнесига жойлаштирилган. Қолган 25 та ташкилот вақтинчалик биноларда фаолият юритмоқда.

Бунёдкорлик, қурилиш ишларидан сўз кетганда, бир ҳолат бизни жуда кувонтирди. Ундан олдин айтинг-чи, ўзбек учун ҳаётдаги энг катта бахт нима? Бизнингча, бу уйли бўлишдир!

кўп қаватли уй имтиёзли кредит асосида берилмаётган.

Кооперативда кимлар бирлашади?

Юқорида тилга олганимиздек, аҳолининг даромад манбалари кам бўлгани сабаб турмуш даражаси анчагина тушиб кетган.

Янги туманда шу масалага алоҳида эътибор қаратилгани дилмизиди шод қилди. “Тупроққалъа — ёшлар келажаги” ишлаб чиқариш кооперативи орқали 25 нафардан ортиқ ёшга ярим гектардан экин ер майдонлари ажратилиб, иш билан таъминланганлиги сўзимиз исботидир.

— Худуддаги 4,9 минг гектар сугорилмаган ерларнинг 500 гектарида айнан сув таъминотидаги муаммолар сабабли ҳосилдорлик тушиб кетган.



— Илгари Питнак шаҳрига бориб, келиш учун 200 км. босиб ўтишимиз, бирор ҳужжатни тўғрилаш учун ҳам бир кунимиз кетар эди, — дейди Рустам Пириёзов. — Янги туман ташкил этилди, йўллар таъмирланди. Энди биз учун 200 км.лик йўл 10 км.га айланди.

Кейинги 5 йиллик манзара

Инсоният учун ато этилган энг буюк инъомлардан бири тасаввурдир. Айнан шу тасаввур орқали одам ўз келажаги-

ни кўра олади ва ўзи кўришни истаган манзара учун бугундан ҳаракат қилади. Хўш, Тупроққалъанинг кейинги беш йилдаги манзараси қандай бўлади?

Мутасаддиларнинг айтишича, ким-ошиди савдолар орқали ерлар тақсимланиб, аҳолига у маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун тақсимлаб берилди.

Шом... Тупроққалъа кенгликлариди қизғиш шафақ бобоқувшиннинг қизғини шундан дарак бераётгандек, гўё. Кўн бутди. Бунёдкорлик ва экин ишлари бир зумга тинди.



Ислоҳот

“Илғор ҳудуд” дастурини давом эттириб, 25 га яқин иншоотни қуриб битказиш, бунинг учун 12 миллиард 750 миллион сўм маблағ сарфлаш ниятимиз бор.

Туманда, айниқса, келажақ эгалари — болажонлар учун, уларнинг ҳар томонлама баркамол ва етук бўлиб вояга етишиши учун амалга оширилган ва оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ.



юртаётган “МТТ Си Фуд” хорижий корхонаси мисолида ҳам айтиш мумкин. Корхона 45 гектар майдонда сунъий кўл барпо этди.

Корхона таркибида лойиҳа қиймати 2 миллион 700 минг АҚШ долларига тенг, бир кеча-кундузда 4-6 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган балиқ, парранда ва бошқа чорва молларига мўлжалланган махсус озуқа-ем заводи ишлаб турибди.

Арносаой тумани ерлари айнан Мирзачўл ва Қизилқум туташган ҳудудга жойлашган. Ҳалигача туманининг айрим ҳудудларида катта-кичик қум барханлари кўзга ташланади.

— У пайтда ҳатто битта тракторим ҳам йўқ эди, — дея эслайдиган фермер ўша давлари. — Қийинчиликлар бездирган пайтлар ҳам бўлди. Аммо ҳар гал мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига, фермерлар фаолиятига эътибор катталли менга далда бўлиб турди.

“Сангзор” фермер ҳўжалиги кўп тармоқли корхонага айланиб улгурган. Бир неча йил аввал Украинадан келтирилган “симменталь” насли молларнинг бош сони бугунги кунда 200 тадан ошади.



шунга яраша гўшт етказилмоқда. “Ишни бошлаганимда битта ҳам техника йўқ эди”, деган фермернинг ҳовлисида 30 га яқин турли техника воситалари терилиб турибди.

— Давр фақатгина хомашё етиштириш билан чегараланиб қолмасдан, ана шу маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлашни ҳам талаб қилмоқда. — дея сўзда давом этди Рашида Ёдгоровна.

— Туман иқтисодиётида мўҳим ўрин тутадиган аграр соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Қишлоқ ҳўжалигида 2020-2022 йилларда 46 та истиқболли лойиҳани жорий этиш режалаштирилганми, — дейди туман фермер, деҳқон ҳўжаликчиси ва томоқра ер эгалари кенгаши раиси Мунаввар Собиров.

— Бунинг учун эса жами 175 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилди. Пахта ва галла етиштириш каби анъанавий деҳқончилик билан бирга, асаларчилик, куёнчилик, туючилик каби ундан ортиқ бошқа тармоқни йўлга қўямиз.

Хўдйберди КАРИМОВ, журналист

ҲАР БИР ИШ, ҲАР БИР ЛОЙИҲА аҳоли фаровонлигини яхшилашга хизмат қиляпти

Бошланиш 1-бетда

Ушбу мулоқотдан кейин арнасоиликлар қалбида ўзларига, ўз кучларига бўлган ишонч уйғонди. Зеро, Мирзачўл деб аталган жўрғудий кенгликда ташкил этилган энг кенжа маъмурий бирик ҳисобланган ушбу ҳудуд узоқ вақт эътибордан четда қолганди.

— Мамлакатимиз ҳудудларини обод қилиш борасида бошланган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бизда ҳам ўз аксини топди, — дейди туман ҳокими Жамолiddин Бердибоев. — Аввал вилоятимизнинг Манас қишлоғи, кейин эса Гагарин шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари туманимизда давом этди.

Уларнинг қурилишига турли манбалар ҳисобидан 11 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Асосийси, энг сўнгги замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу масканларда минглаб ўғил-қизларнинг таълим ва тарбия олиши, уларнинг ота-оналари эса кўнгли хотиржам тарзда меҳнат қилиши учун имконият яратилди.

Туманда янги иш ўринлари яратиш борасида баҳариланган ишларни эсга олиб ўтиш ўринли. Албатта, янги фойдаланишга топширилган объектларнинг ҳар қайсисида 20-30, айримларида 50-60 нафар одам ишли бўлди.

Ушбу, бутун дунёда коронавирус пандемияси давом этаётган, манаман деган қатор корхона-ташкilotлар иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолаётган бир пайтда “Арносаой голд текс” МЧЖ нималар эвазига бизнес “дарёси”да барқарор “сузиш”да давом этмоқда?

Корхона йилига салкам 2,5 миллион долларлик маҳсулотини экспорт қилишга шартномалар имзолаган. Бу ерда тайёрланаётган болалар ва катталар трикотажни, сочик, чойшаб каби маҳсулотлар Россия истеъмол бозорига ўз ўрнини топиб улгурган.





Илм-фан — ишлаб чиқаришга



ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

СОҲА ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ



Сўнгги йилларда ҳаво ҳароратининг кескин иситиш натижасида ер юзиде касалликнинг янги турлари, эпидемиялар пайдо бўлиб инсоният ҳаётига хавф солмоқда. Атрофимизни ўраб олаётган экологик муаммолар таъсирида табиат экстремал ҳолатга келаётган бир пайтда ўсимликлар дунёсида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? Мева-сабзавот экспорти ҳажми ортаётган бир вақтда сифатли ва харидорғир экин навларини яратиш борасида қандай илмий тадқиқотлар олиб борилляпти? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари — Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори, профессор Баҳодир Холиқовга муурожаат қилдик.

мумкинлиги илмий асослаб берилди. Масалан, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва такомиллаштириш юзасидан қатор орасига плёнка тўшаб ғўзани суғориш технологияси қўлланилганда 30-40 фоиз сув тежаллиб, ҳосилдорлик 5-10 центнер, сомон ёки компост тўшаб суғорилганда эса 25-30 фоиз сув тежаллиб, ҳосилдорлик 3-4 центнер ошиши аниқланди.

Республиканинг гидроморф тупроқлари шароитида ғўза ва кузги бугдой суғирга қилиниши билан суғорилганда, суғориш сони 1-1,5 баравар камайиб, дарё суви 978-1883 кубметрга тежалди, ғўза қатор орасига ишлов бериш бир баравар қисқариши ҳисобига ёқилги-мойлаш материаллари сарфи 10-15 фоиз иқтисод қилинди, пахта ҳосилдорлиги гектарига 2-4 центнерга, бугдой ҳосилдорлиги эса 5-7 центнерга ошиши аниқланди.

Ғаллачилик соҳаси бўйича кузги бошоқли дон экинларининг турли тупроқ шартларидаги мўлжалларига мос, тезлишар, серҳосил, қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, сифати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган навларини яратиш ва уруғчилигини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий ва амалий ишлар амалга оширилди. Шу кунга қадар Андижон дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан республиканинг турли тупроқ ва иқлимга мос кузги бугдойнинг 40 дан зиёд нави яратилди, Россиянинг Краснодарь улқаси олим-мутахассислари билан илмий ҳамкорлик доирасида 50 дан ортиқ нав интродукция қилинди.

Мева, сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик йўналишида ҳам олимларимиз томонидан сифатли навларни яратиш ва соҳага янги инновацион технологияларни жорий қилиш устида иш олиб бормоқда. Мисол учун, ўтган 2019 йилда Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий тажриба станциясида қовуннинг 150 дан ортиқ нави синовдан ўтказилди. Мақсад йўқолиб бораётган қовун навларини тиклаш, маҳсулотлар билан ички бозорни таъминлаш, экспорт ҳажминини ошириш ҳамда экспортбон навларни яратишда фойдаланиш учун селекцион базани шакллантиришдир.

Ҳар бир қарич ердан унумли ва оқилона фойдаланиш бутунги кўннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи чоғида ғўза қатор ораларига соя экинни тавсия этди. Бу билан нафақат ички бозоримиз маҳсулотлар билан таъминланади, балки мамлакатнинг экспорт салоҳияти ҳам ортади. Шунинг учун илмий марказ тасарруфидаги институтларда ерлардан мақсадли фойдаланиш бўйича ҳам бир қатор илмий ва амалий ишлар амалга оширилиши натижасида бир гектар майдондан олиннадиган соф фойда ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

— Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтидаги ўсимликлар генбанкида қандай илмий изланишлар олиб борилмоқда?

— Мазкур институтда турли оила, тур ва туркумдаги маданий ва ёввойи ўсимликларнинг 50 мингга яқин тури сақланади. Ушбу материаллардан қишлоқ хўжалигининг исталган йўналиши билан шуғулланувчи илмий олим дастлабки селекция ишлари учун материаллар олиши ва илмий ишларида ўзлари учун керакли йўналишида фойдаланиши мумкин. Мазкур генбанк нафақат Марказий Осиёда ягона, балки дунёдаги санокли объектлардан ҳисобланади. Бу илм-фанимизнинг улкан хазинасидир. Шунинг учун ҳам институт олимлари ҳар йили ушбу материалларни янгилаб бориш билан бира, генбанки бойитиш мақсадида экспедициялар уюштириб, мамлакатимиз ёки хорижда ўсадиган ўсимликларни топиб, шу асосда фонд захирасини бойитиш ва янгилаш борасида изланишлар олиб бормоқда.

— Қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этишда халқаро ҳамкорлик муносабатлари қандай аҳамият касб этади?

— Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳозирги кунда ривожланган давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Жумладан, Корея Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш администрацияси билан имзоланган ўзаро манфаатли меморандумга биноан, шу кунга қадар қишлоқ хўжалиги соҳасида 10 дан ортиқ қўшма лойиҳа амалга ошириб келинмоқда. Сўнгги 3 йилда умумий қиймати 1,7 млн. АҚШ доллари бўлган қўшма илмий-амалий лойиҳалар бажарилмоқда. Бундан ташқари, шолчилик илмий-тадқиқот институти ва Корея Республикасининг КОРИА халқаро маркази ўртасида “Шоли етиштириш технологиясини механизациялаш йўли билан такомиллаштириш ва юқори ҳосил олиш” лойиҳаси бўйича иш олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида шоли кўчатини экадиган 2 та машина ҳамда шоли кўчатларини ўстиришга

мўлжалланган 5500 та пластик кассета, 1 донна шоли тегиримони ва кўчат етиштиришга мўлжалланган иссиқхона жиҳозлари олиб келинди.

Шунингдек, Япониянинг Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети билан имзоланган келишув натижасида ҳозирги кунда шолчининг тупроқ иқлим-шароитимизга мос бўлган, шўрга ва сувсизликка чидамли IRR1154, IRR1147 ва IR29 навлари синовдан ўтказилмоқда. Натижа ижобий бўлса, республикамизнинг шўр ерларида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида кенг жорий қилиш кўзда тутилган. Ўтган 2019 йилда Вьетнамдан шолчилик бўйича мутахассислар жалб қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бир ой давомида ўрганиш ва изланишлар олиб борилди. Ҳозирги кунда шоли етиштиришда Вьетнам тажрибасини қўллаш бўйича ишлар давом этмоқда.

Хитой шолчилик институти билан ҳамкорликда қўшма шолчилик марказини ташкил этишга киришилган. Ҳозир илмий марказ тизимидаги шолчилик илмий-тадқиқот институтидаги таъмирлаш ишларини август ойи охирида яқунлаш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 4-чорагида Хитой ҳисобидан марказ учун зарур бўладиган қиймати 80 минг АҚШ долларилик лаборатория жиҳозлари олиб келиниши мўлжалланган. Шунингдек, ушбу мамлакат Қишлоқ хўжалиги академияси Пахтачилик институти ва илмий марказимиз тизимидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ўртасида имзоланган келишувга асосан, умумий қиймати 3,6 млн. АҚШ доллари бўлган қўшма пахтачилик лабораторияси ташкил этилади.

Президентимизнинг 2020 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориде белгиланган вазифалар бўйича ҳозир Туркиянинг ТИКА халқаро ташкилоти билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, илмий марказ тизимидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида қўшма ўқув марказини ташкил этиш

бўйича амалий ишлар олиб борилляпти. Бундан асосий мақсад мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, агрокластерлар ҳодимларини, фермерлар, ёш олим ва мутахассисларини ривожланган давлатлар тажрибаси билан таништириш, нафақат маҳсулот етиштириш, балки экишдан тортиб, экспортгача бўлган жараённи, маҳсулотларни қадоқлаш, халқаро андозаларга жавоб берадиган сертификатлаштириш ҳамда логистика соҳалари, маркетинг тадқиқотларини олиб боришни ўргатишдан иборат.

Беларусь, Қозғистон, Япония, Озарбайжон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатлардан олиб келинган 200 дан ортиқ экин навлари ва турлари, жумладан, сабзавот, соя, дон ва дуккакли, ноанъанавий экинлар илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида синаб кўрилмоқда.

Германиянинг “GIZ” ҳамда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда кооперация шаклида умумий қиймати 380 минг АҚШ доллари бўлган қўшма илмий-амалий лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа натижасида Франциядан келтирилган баҳорги ва кузги мавсумда картошканинг 10 хил нави синаб кўрилди. Унинг доирасида уруғлик картошкани сақлашга мўлжалланган музлаткич омбори, ёмғирлатиб суғориш қувватига эга бўлган ускуналар ва чипс цехи ўрнатилди. Картошқадан қўшилган қиймат заңжирини яратган ҳолда чипс маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Умуман олганда, илмий марказ аграр соҳаси тараққий этган 20 дан ортиқ давлат билан халқаро алоқаларини йўлга қўйган. Бу соҳа олимларининг чет эллик ҳамкасблари билан тажриба алмашишида қўл келмоқда. Айтайлик, 2015 йилда 38 нафар илмий ходим малака ошириш мақсадида чет элга борган бўлса, 2019 йилда юздан ортиқ ходимимиз ўз билимларини хорижий тажрибалар асосида бойитиб келди.

Хуллас, илмий марказ ва илмий-тадқиқот институтиларимиз олимлари келажда нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш борасида ҳам умуман ишларни амалга оширмоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Соҳиба МУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чоралар кўриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди



Лойиҳанинг умумий қиймати

106 757,1 минг долларни ташкил этади.



Лойиҳа доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш учун сотиб олиннадиган тиббий буюм, тиббий техника ва жиҳозлар рўйхати тасдиқланади.

Қарор билан “Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чоралар кўриш” лойиҳаси параметрлари тасдиқланди.

Лойиҳанинг мақсади

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши шошилиш чоралар кўриш учун соғлиқни сақлаш тизимини мустақамлаш, карантин тадбирлари амал қилиши даврида кам таъминланган оилалар ва ишсизларга вақтинчалик нафақалар бериш тизимини кенгайтиришдан иборат.

Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари Халқаро тараққий уюшмасининг (ХТУ) кредитидан мақсадли фойдаланиш ҳамда лойиҳани самарали амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.



ХТУ кредитидан самарали фойдаланишни мониторинг қилиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибияти томонидан амалга оширилади.



Лойиҳа доирасидаги маблағлар ҳисобидан ишсизлик бўйича нафақаларнинг манзилли ажратилиши таъминланади.


Ҳуқуқий ахборот телеграм канали маълумотлари асосида тайёрланди.



САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ — МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАИ ОЛИЯСИНИНГ ВОРИСИ



Мирзо Улуғбек қурдирган олий мадраса ўзининг бетакрор ва нодирлиги, унинг қошида қурилган расадхонаси ва пештоқига чизилган етти иқлим харитаси, иншоотнинг Самарқанддаги бошқа бинолардан улугворлиги билан ҳам машхур эди.



Бошланиши 1-бетда

— 2020 йил 21 сентябрда СамДУнинг 600 йиллик юбилейини нишонлаш тақдирини юртимиздаги олий таълим муассасалари ва хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари томонидан қўллаб-қувватлаб, тарихчи, манбашунос ва бошқа олимларимизнинг қарийб йигирма йиллик тадқиқотлари, ўтказилган бир қатор халқаро илмий конференциялар муҳокамалари маҳсулидир, — дейди Рустам Холмуродов. — Ўзбекистон таълим тизими шаклланиши ва ривожланиши миллий маданиятимизнинг ўрта асрлардаги ютуқлари ва ўша даврлардаги мадрасалар — олий таълим муассасалари тарихи билан боғлаш таълим соҳасида кенг қамровли ислохотларнинг бир қириниши бўлиб, унинг натижалари ёшларимизни ватанпарварлик ҳамда илмий-маданий меросимизга фахр-ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Бутун дунё муслмон мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонларнинг Шарқ маданиятининг Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона каби кўна марказларига интиланликлари ҳам тарихий ҳақиқат. Имом Бухорий, Имом Мотуридид, Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутафаккирларнинг ихтиомий-фалсафий қарашлари, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби қомусий олимларнинг аниқ ва табиий фанларга доир бебаҳо илмий мерослари жаҳон бозорига Хитой билан рақобат қилувчи Самарқанд қозғолида битилиб, Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларига тарқалиши дунё тамаддуни ривожига катта ва муҳим роль ўйнаган.

— *Айтинг-чи, юртимиз ҳудудиди қадимий олий таълим даргоҳларининг шаклланиши жараёнлари нималарга асосланган?*

— Тарихий манбаларга қўра, Ўрта Осиёда энг қадимги даврлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари мақомида бўлган. Бу даргоҳларда илмий салоҳиятда

ниҳоятда юксак даражаларга эришган олимлар, мутафаккирлар тўпланган ва уларнинг фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Муслмон мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Европа мамлакатлари черков ёки бошқа диний марказлар негизда ташкил этилган дастлабки билим масканларини университетларга айлантириб, уларнинг ёшини белгилашда ўша диний марказларнинг очилиш санасини қабул қилганлар.

Ғарбнинг унлаб университетлари ўз тарихини қадимги даврларга боғлайди ва гурур билан: “Биз фалон асрнинг фалон йилида ташкил топганмиз”, деб фахрланади. Биз эса ҳанузгача “1918 йилдан олий таълим олиш бошлаганмиз”, деб камтарлик қиламиз. Ваҳоланки, ташкил этилишини қадимги даврларга боғлайдиган ўша Ғарб университетлари ҳам айнан биздагидек шаклланиш тарихига эга.

Буюк Британиядаги дунёга таниқли Оксфорд университети ўз тарихини 1096 йил, яъни мамлакат руҳонийлари ўз ҳодимларига таълим бериш учун мактаб ташкил этган давр билан белгилайди. Оксфорд университетидан ажралиб чиққан Кембридж университети тарихи 1209

ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг тубдан ўзгаришига, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланишида кескин бурилиш ясай бошлаган дунёвий фанлар негизда универсал таълим масканлари — университетлар алоҳида академик таълим даргоҳлари сифатида фаолият кўрсата бошлаган.

Эътироф этиш жоизки, ҳали Европа мамлакатларида илм-фан, маданият марказлари шаклланиб улгурмаган даврларда муслмон мамлакатларида “Донишмандлар уйи” (Бағдод, 820 йил), “Дорул ҳақим” (Қоҳира, 1005 йил), “Дорул ҳикма ва маориф” (Урганч, 1004 йил) каби йирик таълим-маърифат масканлари фаолияти дунёга машхур бўлган.

Араб дунёсидаги энг йирик ал-Азхар университети 988 йилда ташкил топган деб ҳисобланади. У дастлаб мавжуд масжид ҳовлисида ташкил этилган, исломнинг шиъа йўналишидан таълим бериш мактаб бўлган. Ўз тарихида қўлаб ташкилотларни бошидан кечирган ушбу масжид-мадраса кейинчалик сунна таълимнинг энг йирик мактабига айланган

гоҳида равақ топган, гоҳида дин, хурофот ва бошқа кучлар таъсирида инқирозга учраган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, X асрнинг охирига келиб, Самарқандда 17 та мадраса фаолият юритган. Булар орасида олий мадраса мақомига эгалари ҳам бўлган. IX-X асрларда улуми ақлия — дунёвий илмлардан риёзиёт, астрономия соҳасида самарқандлик машхур олимлардан Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий фаолият кўрсатган. Бу аллома 865-866 йилларда Самарқандда астрономик кузатишлар олиб борган ва ўзининг “Зиж” (юлдузлар жадавали)ни яратган. Демак, бу даврда “Зиж” яратилган учун илмий қурилма — расадхона ва унга дахлдор асбоб-ускуналар ҳам бўлган. Машхур олим яратган бу “Зиж” кейинчалик Қоҳирадаги расадхонада фаолият кўрсатган Абул Ҳасан ас-Садафий (1009 йилда вафот этган) томонидан эътироф этилиб, шу олимнинг қаламига мансуб “Зиж ал-кабир ал-Ҳақимий” китоби киритилган.

XI — XII асрда ашба ижод этган насафлик (ҳозирги Қарши шаҳри), кейинчалик Самарқандга келиб, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида барпо этилган Иброҳим Тамғачхон мадрасасида мударрислик қилган аллома Аҳмад Насафий ўзининг “Матлаъ ан-нуҷум ва мажмаъ ал-улум” асари (бу асар 2015 йилда Тошкентда чоп этилган) асосида талабаларга дарс ўтган. Бу ўринда олим-мударрис ўз устозлари ҳақида маълумот берар экан, Абу Али Ҳусайн ал-Ҳақоний номини тилга олади ва унинг Самарқанддаги Амир гузариди жойлашган илк мадрасанинг мударриси эканини айтиди. Бундан кўра, Аҳмад Насафий шу пайтгача Самарқанддаги илк мадраса номини олган Иброҳим Тамғачхон мадрасасидан ҳам олдинроқ барпо этилган Работи Ғозийн мадрасаси ҳақида маълумот берган бўлиши мумкин.

Темур ва Темурийлар Ренессанси даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда, хусусан, пойтахт Самарқандда илм-фан, маданиятнинг янгидан шаклланиши ва ривожланиши Амир Темур ҳамда унинг набиралари Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Султон номлари билан боғлиқ. Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатини пойтахтининг ҳар жиҳатдан мукаммал ва шону шуҳратли бўлишига алоҳида эътибор берган. Бу ҳол таълим тизими муассасалари бўлиши олий мадрасалар қуриш, уларни етук алломалар, мударрислар билан таъминлашда ҳам аққол кўза ташланади. Кейинчалик бу ишлар Соҳибқироннинг набираси буюк астроном Мирзо Улуғбек томонидан кенг кўлабда ривожлантирилди. Унинг жаҳонга машхур илмий кашфиётларини майдонга келтирган олий мадраса ва расадхона ўз даврининг Шарқу Ғарбга шуҳрат тاراتган университети ва илмий-тадқиқот институти бўлди.

Мирзо Улуғбек 1420 йилда таъсис этган мадраса ўзининг қўлами, салоҳияти ва олий мақоми билан Шарқда жуда тез шуҳрат қозонди. Бу мадраса бошқа олий мадрасалардан даврининг турли фан соҳаларини қамраб олиши, олиб борилган илмий ишлар қўламининг ниҳоятда кенглиги ва оламшумуллиги, дунёвий илмларнинг ўқитилиш даражаси, олимларнинг машхурлиги билан алоҳида ажралиб

ва XIX асрнинг охиридан бошлаб бу олий таълим муассасасининг ҳозирги университети мақомига ўтиш жараёни бошланган.

Туркиядаги энг қадимий ва ҳозир энг етакчи таълим муассасаларидан бири — Истанбул университети фаолиятининг бошланиш тарихи 1453 йил бўлиб, у 3 та мадраса (Аё-София, Зейрек, Саҳни Семан) негизда 1933 йилга қадар мадраса мақомида фаолият юритган. Шу йили Мустафо Камол Отатуркнинг фармонида кўра, Истанбул университетига айлантирилган. Султон Меҳмет Фотиҳнинг тақлифига кўра, Аё-София мадрасасига Мирзо Улуғбекнинг шогирди, машхур астроном, Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси мудири бўлган Али Кўшчи 1464-1474 йилларда мударрислик қилган. Бу мадрасанинг ўқув дастурига астрономия, математика, геодезия каби дунёвий фанларнинг киритилгани тарихий манбаларда қайд этилган. Самарқанд олий педагогика институтининг биринчи профессорлари, таниқли ўзбек филолог олимлари Абдурауф Фитрат ва Ғози Олим Юнусов 1909 - 1913 йилларда шу мадрасада таълим олган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дунёдаги машхур университетлар илк фаолиятларини жамиятнинг диний таълим ва маънавий билимга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил қилинган. Аста-секин бу мактабларда диний таълим билан бир қаторда дунёвий билимлар бериш ҳам йўлга қўйилган.

— *Самарқанд давлат университети тарихи тўғрисида маълумот берсангиз. Мазкур таълим даргоҳи шаклланишига туртки бўлган олимлар ҳақида тўхталсангиз.*

— Ўз сарҳисобини IX-XII асрларда бошланган юртимиз мадрасаи олиялари тарихимизнинг турли даврларида —



йилдан бошланади ва бу масканда ҳам диний билимлардан ташқари математика, фалсафа, мантқиқ каби дунёвий фанлар ҳам ўтилган. Университет ва унинг ҳузурда коллежлар ташкил этишда черковнинг ҳиссаси катта бўлган. Рим папаси Иоанн XXII 1318 йилда Кембридж таълим соҳасидаги университет мақомига берган.

Францияда катта шуҳрат қозongan Сорбонна университетининг фаолияти ва ном олиши унинг асосчиси Франция қироли Сен Луиснинг ишончли вакили ва пири Роберт де Сорбондан бошланган. 1257-1258 йилларда асос солинган Сорбон коллежи тез орада машхур диншунослик факультетига айлантирилган. XVII асрда кардинал Ришелье томонидан қайта таъмирланган, 1791 йилдаги инқилоб туфайли ёпиб қўйилган, 1801 йилда “Артистлар ательеси” бўлган Сорбонда 1821 йилдан яна ўқитиш йўлга қўйилган.

Дунёда энг машхур ҳисобланган Гарвард университети 1636 йилда ҳомий Жон Гарвард томонидан асос солинган ва ўз фаолиятини дин арбобларини тайёрлашдан бошлаган. XVIII асрдан унинг фан дастурлари аста-секинлик билан дунёвийлашиб борган ва XIX асрнинг охирига келиб, АҚШнинг асосий илмий-маданий марказига айланган.

Германиядаги Хайдельберг университети 1386 йил 18 октябрда “Муқаддас руҳ” черковига очилиш маросимини ўтказган. Германиядаги Мюнхен (1472), Даниядаги Колленгаген (1473), Швециядаги Уппсала (1477) иили архиепископ Якоб Ульфсон томонидан ташкил этилган, Шотландиядаги Абердин (1593) университети ҳам дастлаб кичик-кичик семинариялар, диний ўқув юртлари шаклида ташкил этилган.

Европанинг гранд университетлари ҳам айрим сабабларга қўра, вақти-вақти билан ўз фаолиятини тўхтатиб, муайян муддатдан сўнг яна давом эттирган. XIV-XV асрлардан бошлаб жамиятда

турарди. Мирзо Улуғбек қурдирган олий мадраса ўзининг бетакрор ва нодирлиги, унинг қошида қурилган расадхонаси ва пештоқига чизилган етти иқлим харитаси, иншоотнинг Самарқанддаги бошқа бинолардан улугворлиги билан ҳам машхур эди.

XV асрнинг 20-йилларида Самарқандда Улуғбек раҳбарлиги ва раҳнамолигида турли фанлар соҳасида шуҳрат топган олимлар олий мадрасада йиғилишиб, “Дорул ҳикмат” (“Донишмандлар уйи”) номи билан ўз даврига хос академия — университет ташкил қилдилар. “Дорул ҳикмат” олимлари риёзиёт, илми ҳайъат, ҳандаса, жуғрофия, тарих, илми нуҷум, тиббиёт, музика, мантқиқ, аруз (шеърят), илми ҳисоб, теология, ҳадис, фикҳ, адаб, илми ҳикмат, илми калом, араб тили каби фанларнинг турли соҳаларида нодир асарлар яратган ва мана шу фанлар олий мадрасада ўқитилган ҳам. Биргина Улуғбек мадрасасида 100 дан ортиқ чет мамлакат ва шаҳарлардан (улар мадрасанинг 50 та хужрасида яшаб, таҳсил олганлар) ҳамда Самарқанд шаҳри ва унинг яқин атрофидаги ҳудудлардан келган бир неча ўнлаб толиби илмларга ўз даврининг таниқли ва юксак салоҳиятли 70 дан ортиқ мударрис-олими таълим-тарбия берган.

Алишер Навоийнинг замондоши, тарихчи олим, шоир Зайниддин Восифий (1486-1566) ўзининг “Бадоеъ ул-вақоъ” (“Гўзал воқеалар”) асарида Улуғбекнинг Самарқандда барпо этган мадрасаси олиясига мударрис тайинлаш билан боғлиқ бир лавҳани тасвирлаган. Унда келтирилшича, Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясига талабаларга дастлабки дарсни 1420 йил 21 сентябрда Шамсиддин Муҳаммад Хавофий ўтган. Унда 90 нафардан ортиқ толиби илм қатнашган. Маърузада Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий ҳам ҳозир бўлган. Бизнингча, худди шу кунни, яъни 1420 йилнинг 21 сентябрини мадрасаи олиясига ўқув йилининг ва мадраса фаолиятининг бошланиш санаси, деб ҳисоблаш ўринли.

Улуғбек мадрасасининг шон-шуҳрати Европада ҳам юқори даражада қадрланган. XVIII асрда яшаган буюк француз мутафаккири Вольтер Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг мақомини университетдан юқори қўйган ва уни академия деб атаган. Самарқанднинг, шу жумладан, Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси эътирофи сифатида “Шарқда Самарқанд — Ғарбда Рим” ибораси бежиз тарқалмаган.

Мадрасалар тарихини мукаммал ўрганган таниқли адабиётшунос олим, академик Ботирхон Валихўжаевнинг ўринли таъкидлашича: “Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш тарихи ҳам Улуғбек мадрасаи олиясининг таъсис этилиш тарихи (милодий 1420 йил)га бориб тақалади”.

Илмий тадқиқотлар, тарихийлик, манбавийлик, маданиятимиз тарихида мадраса — университет тизими даврлар кесимида таълимнинг Самарқанд заминидан узлуқсиз давомийлигига асос бўлди. Бу — Самарқанд давлат университети Мирзо

XV асрнинг 20-йилларида Самарқандда Улуғбек раҳбарлиги ва раҳнамолигида турли фанлар соҳасида шуҳрат топган олимлар олий мадрасада йиғилишиб, “Дорул ҳикмат” (“Донишмандлар уйи”) номи билан ўз даврига хос академия — университет ташкил қилдилар.

Улуғбек асос солган мадрасаи олиясининг меросхўр давомчиси, деб ҳақли ҳулоса чиқаришга ҳуқуқий асосдир.

XX аср бошида собиқ совет ҳукумати Самарқанднинг қадимги илмий ва маданий салоҳиятини, хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниязий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби зиёлиларнинг матбуотда тўхтовсиз чиқишларини эътиборга олиб, ўша вақтда республика пойтахти бўлган Самарқандда 1920 йили икки илмий педагогик йўналишдаги олий ўқув юртини очиб ҳақида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, Самарқанд давлат университети янги мақомда шаклланишига дастлабки асос яратилди. Университетда маҳаллий илмий-педагог ҳодимлардан Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, П.Солиев, М.Саиджонов ва бошқа кўлаб олимлар дарс берганлар. Янги мақомдаги олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларнинг аксариятини мамлакат олий мадрасаларида таҳсил олган муаллимлар ташкил этар эди.

1927 йили бу ўқув муассасаси Самарқанд педагогика академиясига айланди. 1930 йилда эса ушбу ўқув даргоҳи Ўзбекистон педагогика институти, ниҳоят, 1933 йили Ўзбек давлат университети деган ном олди. 1960 йилдан эътиборан, Самарқанд давлат университети деб номланди.

Мустикаллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар Самарқанд тарихида, хусусан, Самарқанд давлат университети тақдирини ҳам ғоятда муҳим роль ўйнади. Дунё таълим тизимининг илгор технологияларини ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш билан биргаликда, бу кўтуғ масканда маънавий-маърифий, илмий-педагогик соҳаларда аъёнлар давом этирилмоқда ва бу аъёнлар Самарқандда замонавий университет моделини яратилишига беминнат хизмат қилляпти.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Лутфулла СУВОНОВ сўхбатлашди.



Адиблар хиёбонидаги ўйлар

КИМ ЎЗНИ КАРАМ ИЧРА
МОҲИР ҚИЛУР...

Буробия РАЖАБОВА,


Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларидан бири мамлакатимизда афв институтининг жорий қилиниши бўлди, яъни Президентимиз Ўзбекистон давлатчилиги тарихида биринчи марта афв институтини ҳаётга татбиқ этди. Адиблар хиёбонида Темурийлар Уйғониш даврининг улуғ шоири ва амири Алишер Навоийнинг мухташам ҳайкали пойида туриб, унинг “Садди Искандарий” дostonида бу ҳақда битган олтин битикларини эсладик ва уларни мазкур мақолада баён қилишга ҳаракат қилдик.

Мумтоз ва замонавий луғатлар, ислом динига оид маърифий масалалар баён қилинган китобларда афв, афу, афув (арабча сўз) Аллоҳ таолонинг гузал исмларидан бўлмиш асмои ҳуснадан бири, яъни афв қилувчи ҳамда гуноҳдан ўтиш, кечириб, кечирини, уэр каби луғавий маъноларни ва бирини вазифасидан бўшатмоқ, четлаштириш сингари кўчма маъноларни билдириши ҳақида маълумот берилган. Тузуқларда ва дидактик характердаги китобларда эса афв алоҳида фалсафий, диний, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тушунча, институт, фазилат ҳамда ҳукмдорлар одати эканлиги махсус боб, фаслларда шарҳланган. Шариатда эса афв жазо турларини афв билан алмаштириш, интиқом олмаслик, узрини қабул қилиш деб таъриф берилган. Ушбу таърифу ҳолатта шариат амрига ундовчи Навоий ижодида кўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Доммо ҳимматли бўлган Навоий “Хамса” дostonларида ёзган барча ҳамд ва наътлари ва “Муножот”ларида афв мавзусига алоҳида эътибор қаратган. Агар унинг афвни изоҳлаган, тушунтирган байтларига диққат қилсак, аънанавий равишда улуста Аллоҳнинг афву бахшиши қиёматга борлигини айтиб, кейин у Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам фаолияти билан боғлаб, ўзининг фалсафий, дидактик характердаги қимматли фикрларини маҳорат билан баён қилган. Жумладан, бундай поэтик баённинг бетакорр намунасини “Садди Искандарий”даги “Муножот”ида ҳам ўқиймиз. Меърож воқеасини тасвирлар экан, тасвирда Тангри таоло Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам воситасида ҳам бандаларнинг гуноҳини афв қилишини бадийи фодолаган ва афву карамли бўлишида ҳам пайғамбар макорим ул-ахлоқ соҳиб эканлигини эслатиб, уни васф этиб, Аллоҳга “*о уммат*” деб қилган илтижоларига ишора қилиб, қуйидагича бадий талқин қилган:

Бу янглиг карамдин расули амин,
Сени этмиш ул акрам ул-акрамин.
Агар афв бирла карам будурур,
Бори халқнинг журми маъфудурур.




Ўз навбатда, улуғ шоир, Қодир эгам, хато қилганларни ҳисобга олма, қилган гуноҳларига лойиқ жазолама, чексиз саховатинг билан гуноҳларини кечсанг, Сен Навоийдан ҳам афву карамингни дариг тутма, дея “Муножот”ни қалбини юмшатовчи, юракка қувват берувчи эзгу тилак, катта умид билан халқона оҳангдан бундай яқунлайди:

Хато айлаганни ҳисоб айлама,
Хатосига лойиқ азоб айлама.

Алишер Навоий “Садди Искандарий” дostonининг XLIV бобини “Афв



фазилатадиким...” деб номлаган ва маҳорат билан афв институтини карам, бахшиш каби маънодош сўзлари билан қўлаб, 51 байтда бадий талқин қилган. Демак, дostonнинг ушбу бобини маълум маънода дoston аввалида келган ҳамду наът, “Муножот”ларнинг мантқиқ давомини, деб баҳоласак тўғри бўлади, чунки Навоий ушбу бобни ёзиши маънавий бир эҳтиёж деб билганини,



ўз Искандар(образ)ининг тасвирини афвкор шоҳ сифатида ҳам гузал чигиларда кўрсатишни истаганини сезиш мумкин. Дostonнинг сюжетини яққа қарамак — шоҳ Искандар образини очишга қаратилган бўлса-да, Навоий мазкур боб сарлавҳасида гуноҳ дастидан қўли бошда, оёғи лойда бўлган мужримлар — айбдорлар, оворалар образларини топиб яратганки, мужрим, овора сўзларини отлашган сифатда ишлатган

ва шоҳ афвдан умидвор овораларни ўқувчига шундай таништиради: “...хайрат зулмотидаги овораларни карам шамъи раҳнамоилиги билан ул водийи халоктин чиқарурлар ва ул тийраликтин аларга ҳеч бушмас”. Мулоҳаза қилсак, мужрим, оворалар образи боб ичида учрамайди, аммо ушбу образлар ўрнида бобда даҳо санъаткор гуноҳкор, гунаҳ аҳли, асир, гуруҳеки шаклида қўллаган.

Мутафаккир шоир бобда афвни аънанавий “*афву карам*” тарзида қўлаб, муружаат усулидан унумли фойдаланиб, бир томондан, тарихда ўтган ва ўз замонида ҳукмрон бўлган шоҳларнинг жами маъносида “*биррав*” гумон олмоши номи остида эслатади, иккинчи томондан эса замон ва вақт шоҳларига муружаат қилгандек бўлади. Улуғ шоирнинг муружаату насихатларини қуйидагича тасниф қилишимиз мумкин.

Навоий боб аввалидаёқ қайси шоҳ давлат бошқарувида афв, карам, бахшиши ўзига қоида қилиб олса, у шоҳларнинг мухтарамини, фарди, жавонмарди дея алоҳида васф қилган:


Биров шаҳлар ичра эрур мухтарам —
Ки, бўлғай анинг даъби афву карам.
Ангадур жаҳон аҳлидин фардиг
Ки, ойини бўлғай жавонмардиг.

Улуғ шоир бобда афвни жавонмардлик ва саҳийликнинг белгиси деб тарафдор қилар экан, нафақат шоҳу улуглар, балки оддий, “кичкина” одамлар ҳам афвни ўзларига одат қилиб олишларини истаганини айтган. Урни билан афв, карам, бахшиши ўзига одат қилиб олган шахс гуноҳкор тавба қилиб, уэр сўраса, узрини зое қилмасдан, гуноҳидан ўтиши лозимлигини тушунтирган. У матнда маҳорат билан гуноҳ лойи бирикмасини ишлатган, гуноҳкор гуноҳ лойига ботган бўлса, афв қилувчининг қўлидан ушлаб, гуноҳ лойидан чиқармоғи кераклигини алоҳида тасвирда ёзган. Қизиги шундаки, мазкур тасвирда ҳам биз ҳақни сўзловчи улуғ Навоийнинг ўзини толгандек бўламиз.

Навоий бобда узр сўраш йўлининг икки турини тилга олади, яъни айбдор — овора ўз гуноҳига тўғридан-тўғри ўзи икорр бўлиши мумкин ёки у элу юрт ҳурматига сазовор бўлган шахсларни восита қилиб, ўз узри, тавбасини билдириши лозимлигини ва ҳукмдорнинг амру фармонида бўйин эгиши шартлигини айтган. Бундай ҳолатда айбдорнинг гуноҳидан кечмоқ кераклигини у юмшоқлик билан ёзганки, гўё ушбу тасвирлар бизга Навоийнинг тажрибаси ва феълидан сўзлагандек бўлади.

Даҳо шоир бобда марок билан шоҳларга насихат қилишда давом этар экан, жамиятда мавжуд бўлган турли гуруҳлар, ижобий ва салбий кучлар ҳақида алоҳида тўхталлади ҳамда шоҳни қадимий ва халқона ҳикматга — “Ўзингга раво кўрмагани, ўзига ҳам раво кўрма”, дея оғоҳликка чақиради. Гуноҳкорга жазо турларини қўлашда шоҳга Аллоҳнинг ердаги сосяи эканлигини эслатиб, уни ҳушёрликка ундаб, бундай шоҳ байтларини яратган:

Агар афвинг бўлса гўнжойиши,
Гуноҳ аҳлига етса бахшойиши.
Улус узра, эй бандаким, шохсен,
Неча сўз эшиттил, гар оғоҳсен.



У бобда гуноҳкорга жазо турини қўлаш қонун ва сиёсат юзасидан тўғри бўлса ҳам, айрим ҳолларда “Куч — адолатда” деган шоҳнинг ўз фуқаролари учун кўрсатган асл йўли — афв, карам, бахшиш, муруватдир, афвни бўлиши яхшиликларнинг манбаидир, деб тушунтириши сўз муддаоси деб билган.

“Эл нетиб топгай мениким...” дея давлат бошқарувида 35 йил қизгин ва хайрли фаолият олиб борган амири кабир Навоий бобда ўлим жазосини қўлашда ниҳоятда шошмаслик зарурлигини уқтирган, гуноҳкор деб топилган оворанинг ишини жиддий ўрганиш, тафтиш этиш муҳимлигини айтган, у ушбу лавҳада ҳар доимгидек оналарнинг образини ёдга олган ва лавҳада мазлум оналар аҳволини, руҳиятини, табиий ҳуқуқларини ҳаётини мисоллар билан чўқур таҳлил қилган:


Ани кўрким, ул зори мазлум ано,
Неча кўрди ҳиқиди ранжу ано.

Ўз тажрибалари асосида “овора”ларни кечирининг хайри, саваби, офияти тўғрисида дostonнинг бош қарамакни шоҳ Искандар образи мисолида ҳукмдорлар ойини, тўраси, тузуги, қоидасини эканлигига урғу берган. Боб хулосасида уларни оғоҳликка, шафқатга чақирган ҳамда афвни қўлаган ҳукмдорларни оланинг ва ўз даврининг Искандари дея шарафлаган:

Бу нав ўлса кимда карам жавҳари,
Бугун улдур офоқ Искандари.

Улуғ шоир бобни “Кимки, афв, карам, бахшиш бобда маҳорат кўрсатса, афв ва карам ҳам унга ўз фазилатини сочсусидур, афвда ажойиботлар, завқлар, ҳикматлар кўпдир”, дея кўтаринки руҳда тамомлаган:

Ким ўзни карам ичра моҳир қилур,
Карам ўз ҳавосини зоҳир қилур.



Буюк сўз санъаткорлари ўз асарларида афвни юксак фазилат, яхшилик, саховат тимсоли, раҳм-шафқатга ундаш сифатида бадий талқин қилган. Уларнинг бекиёс намуналарини Навоийдан сўнг Адиблар хиёбонидан ҳайкаллари ўрин олган Бобур, Абдулла Авлоний каби адиблар ижодида ҳам учратиш мумкин.



Ўз асарларида ҳаётнинг гултожи инсон, тирикликнинг ўзи бахт эканлигини тараннум қилишдан чарчамаган улуғ шоир ушбу бобда зиндонга ташлаш ёки ўлим жазоси каби оғир жазо турларига улуғ амир, давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ўзининг муносабатини очик билдиришига иттигилан, аммо шариатда афв қилинмайдиган масалаларга эса бобда тўхталмаган.

Темурийлар Ренессансининг машҳур мурабий ва муқаввийси ҳамда мунаққиди сифатида ҳам баъзи ижодкорларга баҳо бера экан, ҳатто уларнинг ижодида ёритилган афв борасидаги фикрлари баён этилган байтларга алоҳида эътибор қаратганини, “яхши воқеъ” дея эътироф қилганини кўрамиз.

Буюк сўз санъаткорлари ўз асарларида афвни юксак фазилат, яхшилик, саховат тимсоли, раҳм-шафқатга ундаш сифатида бадий талқин қилган. Уларнинг бекиёс намуналарини Навоийдан сўнг Адиблар хиёбонидан ҳайкаллари ўрин олган Бобур, Абдулла Авлоний каби адиблар ижодида ҳам учратиш мумкин.

Бобур ўзининг қомусий асари “Бобурнома”да яқинлари, беку умароларини қайта тарбиялаш ниятида уларнинг гуноҳидан ўтиб, туркий

ҳукмдорларга хос бўлган тўққиз мартагача афвни қўлаш қоидасини қўлагани ҳақидаги муҳим тарбиявий аҳамиятга молик тарихий маълумотларни битиб қолдирган. Жумладан, шоҳона илтифот билан: “... Аму ёқасида келиб, бизга қўшилган айди эътиборроқ ва ихтиёрроқ киши йўқ эди ҳар сўз деса, ҳар иш қилса, сўз анинг сўзи эди, иш анинг иши эди,” деб таърифлаган Боки Чағонийнинг ўн бир гуноҳини ўн бир мартагача шафқат кўрсатиб, афв қилгани ва ҳаддидан ошган, афвнинг завқидан бенасиб, маърифатсиз бекнинг эса у ато этган ўн бир афвларнинг қадрига етмагани ҳақидаги қузатувларини очик билдириб, шундай ёзади: “...Манга айтиб туриб йиборитурким, шарт қолдирган. Жумладан, тўққиз гуноҳ мендин содир бўлмағунча сўрмағайди. Мен Мулло Бободин ўн бир гуноҳини бирар-бирар хотириниш қилиб айтиб йибордим. Мулзам бўлди”.

Маърифатпарвар Абдулла Авлоний Шайх Саъдий Шерозийга эргашиб ёзган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (1914) асариде яхши хулқларнинг ўттиз бештасига алоҳида сарлавҳа ажратиб, махсус тўхталлади, жумладан, афвга ҳам: “Афв деб кечирмакни айтилуру ... афв яхши хулқларнинг афзаги, инсониятнинг ақмалидур. Ҳақ афв қилувчиларни суяр. Ўзи ҳам афв ва мағфират қилувчидир. Нўширавон: “Бир гуноҳкорни афв қилмакда қандай лаззат олганини ҳеч кимга айтмайман”, — демиш”. У хулосаси қиссадан хисса шаклида дидактик характердаги байтлар билан яқунлаган.

Хулоса шуки, Алишер Навоий барча асарларида афв, карам, бахшиш усулига бефарқ эмаслигини у ёки бу даражада бадий талқин қилган. Узининг айна мавзудаги битикларида ҳукмдорларни афв қоидасини қўлашга чақирган, мужрим ва овораларга эса умид берган. Аммо “Садди Искандарий”да афв институтига, тушунчасига алоҳида боб ажратиб, афв ҳақидаги ўзининг назарий-сиёсий, ҳуқуқий қарашларини, орзу-уйларини тизимли равишда поэтик талқин қилганки, ушбу бобни улуғ шоир ҳамда давлат ва жамоат арбоби Амир Алишер Навоийнинг афв ҳақидаги умидлари ва назариясининг бадий ифодаси дейишимиз мумкин.